

*Master Yusupov A.R.
supervisor dots. Yusupova D.T.*

MAIN DIRECTIONS OF INCREASING THE COMPETITIVENESS OF THE TEXTILE INDUSTRY OF THE REPUBLIC IN THE FUTURE

Abstract. Article is devoted to disclose the major factors influencing to quality of goods, and determination of its role in increasing of competitiveness of the enterprises of textile and light industry. Increasing of competitiveness of industry the great value has introduction of the marketing concept which is connected with the primary goals facing the enterprises textile and light industry, with structure and the original characteristic of industry.

Key words. *Light industry enterprises, quality control, competitiveness, textile products, quality management.*

*Магистрант Юсупов А.Р.
илмий раҳбар доц. Юсупова Д.Т.*

ИСТИҚБОЛДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада товар сифатига таъсир этувчи асосий омилларни моҳияти очиб беришга, унинг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишдаги ролини аниқлашга бағишланган. Саноатнинг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг концепциясини жорий этиш катта аҳамиятга ега бўлиб, у тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари олдида турган асосий мақсадлар, саноатнинг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Калит сўзлар. *Енгил саноат корхоналари, сифат назорати, рақобатбардошлик, тўқимачилик маҳсулотлари, сифатни бошқариш.*

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи рақобатбардошлигини оширишда маркетинг концепциясини тармоқни бошқаришга тадбиқ этиш катта аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир:

-тармоқнинг энг асосий вазифаси;

-аҳолини кенг халқ истеъмоли товарлари билан таъминлашдир, яни мазкур маҳсулот турларига юқори истеъмол талабини келтириб чиқаради;

-тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари фаолияти ички бозорга, шунингдек ташқи бозорга йўналтирилгандир, бу эса ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифат тавсифларига халқаро бозорнинг шартларини ўрнатиш зарурлигини, реклама фаолиятини ўз вақтида яхши ташкил этилиши заруриятини келтириб чиқаради;

-тармоқнинг ўзига хос тавсифини, таркибий тузилишини ҳисобга олиш керак;

-тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини хом ашё манбаларига яқин жойларга жойлаштириш, ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишни йўлга қўйиш транспорт ҳаражатларини қисқартириш, улгуржи савдони ривожлантириш имконини беради.

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун кўп сонли корхоналарнинг кичик ишлаб ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлиши, фондларнинг тез айланувчанлиги хос бўлиб, талаб ва таклифнинг ўзгаришига мослашиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини тез ўзгартириш имкониятлари кенгдир. Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари бозор иқтисодиёти шароитида фаолият олиб бориш борасида, хали ҳам давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришда (айниқса, пахта толаси, ип ипак бўйича) мажбуриятларга эгадирлар, уларда ҳозирча бозор конъюктурасига асосланган манёврчанлик имконияти кам, корхона фаолиятини режалаштиришда истеъмолчиларнинг буюртмаларини тўлиқ ҳисобга олинмайди, ташқи бозорга чиқишда ҳозирча тўлиқ мустақиллик йўқ.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мавжуд бошқариш тизими бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бермайди, яъни ишлаб чиқарувчи билан бозор талаблари ўртасида аниқ боғлиқлик ўрнатилмаган. Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Маркетинг концепциясини жорий этиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

-маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

-маркетинг фаолиятини барча асосий элементларининг комплекслигини, аниқ мақсадга йўналтирилишини таъминлаш;

-маркетинг инфратузилмасини ривожлантириш комплекс дастурини амалга ошириш.

Иқтисодиёт ривожланишининг бугунги босқичида бозорларимиз бизнинг ишлаб чиқарувчиларимиз рақобатлашуви қийин бўлган чет эллик ишлаб чиқарувчилар товарлари билан тўлган. Шу боисдан ҳам тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўз вақтида жаҳон бозоридаги ўзгаришларни, яъни мода йўналишларини, ассортимент ўзгаришларини, маҳсулот сифати ва дизайн ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишлари зарур.

Республикамизни жаҳон бозорига ўзининг рақобатбардош маҳсулоти билан чиқиши тўқимачилик ва енгил саноат тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватланилганда, шунингдек, мамлакат ҳокимияти томонидан бир қатор ташкилий-иқтисодий масалалар ҳал этилгандагина муваффақиятли амалга ошиши мумкин. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб мамлакатимиз ҳукумати мунтазам равишда тўқимачилик ва енгил саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда.

Натижада рақобатбардошликни, экспорт салоҳиятини ошириш сиёсати ўзининг сезиларли даражада маҳсулини бермоқда: экспорт ҳажмининг ортиши; техникавий қайта жиҳозланган корхоналарнинг қўпайиши; янги иш ўринларининг яратилиши; импорт ўрнини босишни таъминланиши; давлат

бюджетини янги пул тушиш манбалари билан тўлдирилиши ва бошқалар. Ўзбекистоннинг асосия экспорт позицияси пахта толасини сотиш бўлишига қарамасдан, Республикамиз пахтани қайта ишлаш, ички бозор ва экспорт учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан катта самара олаётганини таъкидлаб ўтишимиз керак. Республикада пахта толасига ишлов бериш ҳажмининг ортиши жаҳон бозорида пахта толасидан фойдаланиш балансини қайта тақсимлашга олиб келади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга шунингдек тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, Республикамизда саноат сиёсатини амалга ошириш натижалари ҳозирча ташқи иқтисодий фаолиятда ўз натижаларини кўрсатмаяпти. Мустақиллик йилларида МХД лари орасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 5-чи ўриндан 3-чи ўринга (Россия ва Украинадан кейин) чиққанига қарамасдан, ташқи савдо айланмаси бўйича ҳамон 5-чи ўринда қолмоқдамиз. Дунёдаги меҳнат ресурсларининг 0,33% ига эга бўлган ҳолда 0,5% аграр, 0,1% саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган ҳолда Республикамиз бутун дунё экспорт ҳажмининг атиги 0,06% ини беради. Ўзбекистон экспорт структурасида хом ашё товарларининг устунлиги республикамиз ташқи савдосини жаҳон бозорида бир ёқлама бўлиб қолишига сабаб бўлади. Охириги йилларда пахта ва олтинга нисбатан жаҳон нархларининг тушиб кетиши республикамиз ташқи савдо айланмасини қисқаришига олиб келади. Бизнинг анъанавий товарларимизни сотишдан олинадиган валюта тушумларининг қисқариши илғор технологияларни, комплектловчи, бутловчи қисмларни сотиб олиш билан ҳам тавсифланиб, ўз навбатида иқтисодиётнинг реал секторини, тўқимачилик ва енгил саноат тармоғини ривожлантиришга хизмат қилади. Хом ашё ассортиментидеги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш иқтисодиётнинг кўпчилиги ишлаб чиқарувчи тармоқлари, шу жумладан тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун ҳам хосдир. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг умумий таркибини якуний истеъмолга тайёрлик даражаси бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, хом ашё (пахта толаси,

ювилган жун, ишлов берилган тери), яримфабрикатлар (ип, хом сурц, мато) ва якуний махсулот (газлама, тикувчилик, трикотаж буюмлари, поймафзал) нинг умумий хажмида хом ашё салмоғининг юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ламбен. Ж.Ж., Чумпитас Р., Шулинг И. Менеджмент, ориентирований на рынок. 2-е изд. /Пер. с англ. Под. ред. В.Б. Копчанова.- СПб.: Питер. 2008. - 720 с.
2. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Strategic Management Of Innovative Processes At Light Industry Enterprises In The Conditions Of Digitalization Of The Economy. International Journal of Scientific & Engineering Research Volume 11, Issue 2, February-2020 1250 ISSN 2229-5518
3. Юсупова Д.Т., Розиков А. Aspects of Organizing Esport-Oriented Textile Products and Export Development. International Journal of Research in Management & Business Studies. (IJRMBS 2020) Vol.
4. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Industry characteristics of innovative processes at the enterprises of light industry. European Journal of Economics №2, 2015.Vienna.
5. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Improvement of the innovation system in textile enterprises. ISCIENCE.IN.UA Актуальные вызовы современной науки. Переяслав, LXIII Международная научная конференция, 26-27 сентября 2021г. Сборник научных трудов, Выпуск 9(63).
6. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Foreign experience in evaluating the efficiency of innovative processes. ISCIENCE.IN.UA Актуальные вызовы современной науки. Переяслав, LXIV Международная научная конференция, 26-27 октября 2021г. Сборник научных трудов, Выпуск 10